



## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь кuni соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда ҳукумат аъзолари, сенаторлар, вилоят ҳокимлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари иштирок этди.

— Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир, — деди Шавкат Мирзиёев. — Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизimini янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, давлатнинг замонавий технология ва усуллари кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган халқимизнинг муносиб ҳаёт сифатини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар самарасида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгарди. Аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуни билан мустаҳкамланди.

Шифокорлик касбини ўтуғлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармони замонавий талабларга жавоб берадиган ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳолига малакали хизмат кўрсатадиган, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизимни шакллантиришда муҳим омили бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тиббий хизмат тизими ташкил қилинди. Ушбу хизмат кишлоқ врачлик пунктлари ва шаҳар оилавий поликлиникалар тармоғини қамраб олган.

Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва физиотерапия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, педиатрия ва бошқа йўналишлардаги махсус илмий-амалий тиббиёт марказларида юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу шифо муассасаларида ҳар йили 50 мингга яқин юқори технологияли мураккаб операциялар бажарилади, 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизмат кўрсатилади. Олимларнинг долзарб мавзулардаги илмий изланишлари натижасида тиббиётнинг йиғирмадан зиёд йўналишлари бўйича 1000 дан ортиқ даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йилида мамлакатимиз тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида аштитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. 700 минг бола пневмококк инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди.

Аммо бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сунги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истайди. Бизга шу ҳам бўлаверади, деган тўшунча энди ўз умрини ўтаб бўлди. Бу барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасига ҳам бевосита дахлдор, деди Президентимиз. Шу боис соҳа ходимлари тиббиётнинг энг илғор, замонавий ютуқларини, даволаш усуллари янада ўзлаштиришга зарур. Эришилган ютуқларга маънавий бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта говдир.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганда ҳам катта маъно муҳасба. Зеро, инсон манфаатлари деганда, аввало инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди учрашувида халқнинг ичига кириб, уларнинг дарди, муаммолари, тақлифларини эшитиш лозимлигини алоҳида қайд этди. Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келган мурожаатларнинг 7 мингдан зиёди айнан тиббиёт соҳасига тегишли экани ҳам мазкур соҳада муайян муаммолар йиғилиб қолганлигини кўрсатмоқда. Аҳолининг мурожаатлари, фикр-

мулоҳазалари ва тақлифлари соғлиқни сақлаш тизimini янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Президентимиз тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича тўхталди. Кишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига оид кўридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда ҚВГлар бирламчи тиббий кўрикни ўтказиш учун лаборатория таҳлили воситалари, қатор диагностика аппаратлари билан жиҳозлангани аҳоли учун қулайлик яратмоқда. Лекин тиббий ускуналарни ишлатадиган малакали мутахассислар етарли даражада эмас. Баъзи чекка ҳудудларда оддий қон топшириш учун туман марказига ёки шаҳарга боришга тўғри келаётганини ҳам инкор эта олмаймиз.

Айрим жойларда тиббий кўриклар номигагина ўтказилмоқда, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Чекка ҳудудларда малакали мутахассислар етишмаётгани кадрлар масаласида қилинадиган ишлар кўплигини аниқлатади.

Кишлоқ врачлик пунктлари туну кун ишламоғи зарур. Бунинг учун пункт ёнидан шу жойда ишлайдиган врачга уй қуриб бериш лозим.

Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Лекин бугун халқимиз бу хизмат сифатидан рози, дея олмаймиз. Тизимни мутлақо ўзгартириш — давр талаби.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Аёлларимиз ибодли, ҳаёли. Баъзи масалаларда шифокорга бориб ташаббусларни бемалол айтмавермайди. Шу боис хотин-қизлар учун алоҳида поликлинника ташкил қилишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Токи улар бориб ўзини қийнаётган масалада бемалол фикрлашсин. Чунки эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг саломатлигига боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида гапирганда бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: тиббиёт ходимлари бизнинг саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишонини, улар эса халқни ишонтира олиши керак, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалалар кўп. Мавжуд марказларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу, айниқса, кишлоқ аҳолисига муайян ноқулайликлар туғдираётган. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари жойларга чиқиб аҳолига тиббий хизмат кўрсатишга, жарроҳлик амалиётларини ўтказмоғи лозим, деди Президентимиз.

Тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазирининг А.Иқомов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, С.Саидалиев, Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори Ф.Оқиллов, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директори А.Алвay, Республика иммунология илмий маркази директори Т.Арипова, сенатор З.Низомжўев, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов, Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдурахмонов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.Барноев ва бошқалар Президентимизнинг тиббиёт соҳасига қаратаётган алоҳида эътибори соҳа ривожига муҳим омили бўлаётганини қайд этди. Билдирилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, соҳа олдида турган долзарб вазифаларни бажариш юзасидан тизимли ишлар олиб борилишини, барча куч ва имкониятлар ишга солинишини таъкидлади.

**А.ЎРОЗОВ,**  
ЎЗА мухбири.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## ТОҒЛИ ҚИШЛОҚЛАР ЁШЛАРИГА ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида Бойсун қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг Пудина филиали фойдаланишга топширилди.



Тоғли қишлоқда қад ростлаган 180 ўринли замонавий таълим муассасаси Термиз шаҳридаги

«Сантехгазмонтаж» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан барпо этилди. Икки қаватли

бинода ўқувчиларнинг илм-фан ва ўзлари танлаган касб сирларини пухта ўзлаштириши учун



барча шароит яратилган. Янги йилнинг дастлабки кунлардан янги таълим масканида Пулҳоким, Даштиғоз, Пудина каби тоғли қишлоқларнинг юзга яқин ёшлари молия, сув, газ ва канализация тармоқларини таъмирлаш, тикувчилик йўналишларида тахсил олишни бошлади.

— Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фойдаланишга топширилган замонавий таълим муассасаси биз, ёшлар учун ажойиб совға бўлди, — дейди филиал ўқувчиси

Салоҳиддин Жонтемиров. — Қишлоғимизда қад ростлаган муҳташам таълим маскани мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг ёрқин самарасидир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида бешта касб-ҳунар коллежи ва тоғли қишлоқларда уларнинг 5 филиали фаолият юритмоқда.

**Х.МАМАТРАЙМОВ,**  
ЎЗА мухбири.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

## ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Самарқанд вилояти ҳокими Ҳиммат Оқбўтаевнинг жойларда аҳоли билан мулоқот қилишга бағишланган учрашувида бу фикр асосий хулоса сифатида билдирилмоқда.

Пахтачи туманида ўтказилган учрашувда тумандаги идоралар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, тадбиркорлар, фермерлар, нурунийлар, ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Ҳар бир давлат идораси фуқароларимиз учун хизмат қилиши шартлиги аниқ белгилаб берилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида ташкил этилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан Президентнинг Виртуал қабулхонасига айлантирилди. Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этиладиган бўлди. Бу барча давлат идораларининг, раҳбарларнинг масъулиятини янада оширишни, халқ билан мулоқот қилиш ва ўз фаолиятини уларни хабардор этишни тақозо этади.

2016 йилда виртуал қабулхонага Пахтачи туманидан 170 дан ортиқ мурожаат тушган. Умуман, йил давомида туман ҳокимлиги томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг 1055 мурожаати қабул қилинган.

Айрим ҳолларда ушбу мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқишда камчиликларга йўл қўйилган.

Мулоқот чоғида мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш юзасидан қонунчиликда белгиланган қоидалар эслатиб ўтилди.

— Янги йилдан бошлаб ҳокимлик ва давлат бошқаруви органлари ходимлари жойларга чиқиб, аҳоли билан бевосита мулоқот ўтказишга киришди, — дейди «Нуруний» жағмармаси Пахтачи тумани бўлими раиси М.Самандаров. — Айни пайтда маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда шундай учрашувлар ўтказилмоқда. Банклар ходимлари хонадонмаҳонадан юриб, аҳолини тадбиркорликка жалб этмоқда. Бу ишларга туманимиз нурунийлари ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Бугун вилоят ҳокими билан учрашувда ҳам пахтачиликлар кўп саволларига жавоб олди. Туманимизни ривожлантириш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Учрашувда тадбиркор ва фермерлар, маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшлар бир қатор тақлиф, ташаббусларини билдирди, қўлаб саволларига вилоят ҳокими ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарларидан жавоб олди. Ўртага ташланган муаммо ва камчиликларнинг аксариятига шу ернинг ўзида ечим топилди.

Муносабат

## ТЕРМИЗЛИК БУЮК МУҲАДДИС

Ат-Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқок, идрокли ва закий бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан ажралиб турган. У ёшлигидан Термиз, Самарқанд, Марв ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машҳур уламолар ва муҳаддислар асарларини қунт билан ўргана бошлаган, кейинчалик қўшни Балх ва Ҳайратон шаҳарларидаги илм аҳллари билан алоқалар ўрнатган.

Ўзбекистон — мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру ғуруримиз!

## АСКАР ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Хоразмда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир шундай номланди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва вилоят муҳофаза ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган хоразмлик аскарларнинг оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва барқарор тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбирда йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг оналарига совғалар топширилди. Самарқанд

вилоятда мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган бир гуруҳ хоразмлик йигитларнинг тадбирга кириб келиши оналар учун қутлимган совға бўлди.

— Ўғлим Раҳматжон ўзига ярашиб турган ҳарбий либосида қўлида гул билан даврага кириб келишидан бошим осмонга етди, — дейди ҳазораслиқ Гулбахор Сафоева. — Фарзандим хизмат қилаётган ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан отаси ва менга йўлланган ташаккурномани ўқиб, қалбим ғурурга тўлди. Ўғлим билан фахрланаман. Бугун юртимизда аскар онаси — энг бахтли она. Мен барча оналар номидан ана шундай тадбирни уюштирган ташкилотчиларга, аскар ўғонларимизга шароит яратиб бераётган Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Тадбирда Ватан, истиқлол, тинчлик, дўстлик, ёшлик ва меҳроқибатни таранум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**А.ШОКИРОВ,**  
ЎЗА мухбири.



# КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

## Жорий йил 4 январдан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди

Ҳар бир қонун яхшиликни кўзлаб, эзгу мақсадда қабул қилинади. Айрим қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият тақдири, халқ келажаги, ҳар биримизга дахлдор бўлади. Миллий парламентимиз томонидан қабул қилиниб, 3 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ана шундай тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан биридир.

6 боб ва 34 моддадан иборат ушбу қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ва меъёрлар белгиланган.

**Коррупция нима?** Бу ҳақда ҳаммининг ўзига хос тасавури, тушунчаси бор, албатта. Қонунда унга шундай таъриф берилган: «**коррупция** — шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши».

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун билан яқиндан танишиш, унинг ҳар бир моддасини чуқур ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этишга интилиш, содда қилиб айтганда, коррупцияга балосининг нақадар муҳимлигини тушуниш, мустақил идрок этиш, энг муҳими, унга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Дунёда коррупциянинг тури ҳам, тавсифи ҳам жуда кўп. Унинг келиб чиқиш сабабларини очиш, унга қарши курашишнинг самарали йўлларини топиш бўйича олимлар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Турли кўрсаткич ва рақамлар акс этган жадваллар яратилган, ўзига хос рейтинглар тузилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил формулари ҳам ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишлар ва изланишлар изчил давом этмоқда.

Ижтимоий-тарихий вазият, фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқараши, давлат тузилиши, иқтисодий ривожланиш омилларидан келиб чиқиб, ҳар бир давлат коррупцияга қарши ўзига хос усулларда курашмоқда. Бу борада энг самарали йўл ҳали топилган эмас. Чунки коррупция бир қарашда олдий жиноят бўлиб кўрингани билан аслида унинг келиб чиқиши ва яшовчанлик сабаблари жуда чигал ва мураккабдир.

Бир давлатда натижа берган усул бошқа давлатда у қадар самара кўрсатмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир давлат ва жамият коррупцияга қарши курашиш йўлини ўзи танлайди, аниқроғи, қандай йўл тўғриси эканини ҳаёт кўрсатади. Қонунда коррупцияга қарши курашиш кенг қамровда олиб бориш чоралари кўзда тутилгани, бу борада ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Коррупция сўзи «сотиш», «сотилиш» деган маъноларни ҳам англатар экан. Раҳбар ёки масъул киши қандай қилиб коррупцияга қўл уради? Бунга қандай омиллар сабаб бўлади?.. Бу саъйларга жавоб ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин шуниси аниқки, сотадиган, сотиладиган одам ҳеч бир вазифани кўнгилдан бажармайди.

**Коррупцияга алоқадор одам қонунни бузишдан ташқари, ўзининг қимлигини, эътиқодни, маънавияти қай даражада эканини ошқор қилади. Бундай одам нафақат молиявий зиён-заҳмат етказиши, балки давлатни, демократияни беҳурмат қилиб, обрўсини тўқатиши, унга нон-туз бериш катта**

**қилган, илму ҳунар, обрў ва мансаб берган эл-юртнинг юзига оёқ қўяди.**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принципларини белгилашда бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масаласи қатъий ҳисобга олинган.

Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган одам учун улуг нарсалар, мўътабар туйғуларнинг қадри йўқолади. Бундай одамлар ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлайди. Улар ҳеч кимга, имон-эътиқодга ишонмайди, аини пайтда бундай қимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани инониб бўлмайди. Чунки улар ота-онаси, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари, маҳалла-қўйнинг юзини ерга қаратишдан, бошини эгишдан уялмайди.

Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ташкил этилиши белгиланган. Ушбу комиссияни шакллантириш ва унинг

Эркин фаолият юритишга кенг йўл очиб берилган, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари қатъий ҳимоя қилинадиган мамлакатнинг остонасидан одам аримайди, бундай давлат дунёнинг турли нуқталаридан ишбилармонлар талпинадиган юртга айланади.

фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилашни қайд этилган. Бу меъёр коррупцияга қарши курашиш доимий ва изчил тус олишида муҳим аҳамиятга эга. Конституциямизга мувофиқ Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг қамқовчиси бўлади.

Ҳаммаиз яхши биламиз, қонун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб беради. **Агар қонун ҳаётда ишламаса, унинг бир неча арақ оддий қороздан фарқи қолмайди. Шундай экан, «коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси энгизга тушиб кетди», деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади. Коррупция балосидан қутулиш, ислохотларни унинг чағалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиз ўйлашимиз, бунинг заруратини ҳар биримиз юрагимиздан ўтказишимиз, унга қарши қатъий курашишимиз керак.**

Бу кураш кундалик ҳаётимиздаги оддий ҳолатлардан бошланади. Шифокордан яхшироқ маслаҳат олиш, навбатни тезлаштириш, рейтинг дафтрасига тузукроқ баҳо қўйдириш ва ҳоказо вазиятларда ўзимизни муносиб тутишимиз лозим бўлади.

Тўғри, ҳаётда турли ҳолатлар ва ҳаракатларга дуч келамиз. Баъзида кўз унгимизда қонунлар бузилади, инсон ҳуқуқи, қадр-қиммати поймол этилади. Бундай вазиятларда чорасизликдан одамнинг боши ганиб қолади. Лекин, унутмайлик, йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб белгилашни, шу муносабат билан жорий этилаётган ўзгариш ва янгиланишлар фуқаролар чорасиз қолганида ёрдамга келади. Олис қишлоқлардаги мурожаатларнинг ҳам овози эшитилади.

Одамларнинг табиатига ўхшаб раҳбару масъуллар ҳам ҳар хил бўлади. «Жамоода ҳамма қулайлик ўзим учун, бу ташкилот менга бир пайтлардаги хизматларим, фароғатда яшамоғим учун берилган, марҳамат, қолганлар аравазини ўзи амаллаб тортаверсин» қабилида тор ва эскича ўйлайдиган, «олди-берди»ни фаолиятининг бир қисми деб тушунадиган, демократик қонун-қоидаларни етарлича идрок эта олмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун қонунда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, хусусан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чоралари кўзда тутилган.

Қонунда белгиланганидек, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. **Тўғри ишлаб, тўғри яшаш саодатини болаликдан, ёшликдан ўрганган одам мард ва ҳалол бўлади. Адолатсизлик, қонунга ҳурматсизлик, касбу амалга, ишончга хиёнат қилиб бўлмаслигини ўқиб-уққан, порахўрлик ва коррупцияга, сунистез-молчиликка қарши ўзида иммунитет ҳосил қилган ёшлар келажакда журъатли, ғиждонли инсон бўлиб етишади.** Қонунга, тартиб-қоидаларга ҳурмат сақлаб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилади. Ҳалол меҳнат билан топилмаган бойлик тотли бўлмаслигини, ҳеч кимга буюрмаслигини, яхшилик эмас, ёмонлик ва қулфат келтиришини тушунади.

Бир ёш кадр масъулиятли вазифага келса, амалга эга бўлса, бундан ота-

ҳаётини демократлаштириш, одамларни мустақил фикрлаб яшашга ундаш, ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарур бўлган жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш мумкин эмас. Бутун дунёда давлатнинг демократияни ҳурмат қилишига, халқнинг салоҳияти ва маданиятига матбуот эркинлиги, одиллигига қараб ҳам баҳо берилди. Албатта, бугун бу ҳақиқатни кўпчилигимиз яхши тушунамиз ва тан оламиз.

Шу ўринда коррупцияга қарши курашиш масаласининг яна бир томонига эътибор қаратсак. Нобоп, «муомала қилиш», «келишиш»га мойил раҳбар ёки бошқа бир масъул нафақат ташкилотга, жамиятга, ишчи-ҳодимларга зиён етказиши, балки бундай одам билан ташкилотнинг, жамоанинг, айниқса, ёш кадрларнинг вақти, умри беҳуда ўтади. Раҳбар ҳаммага ўрнак бўлиб, ҳалол ишлаб, фидойилик кўрсатиш ўрнига, йиғилишларда бир гапни гапириб, ўзи бутунлай тескарисини қилса, ундан ёш кадрлар нимани ўрғанади? Қандай ўрнак олади?.. Коррупцияга қарши курашиш яна шуниси билан муҳимки, мазкур жараёнларда ишчи-ҳодимлар, ёшлар ҳалол ишлаш, ишонч ва ваколатга муносиб хизмат билан жавоб қайтариш зарур, деган тушунчага таяниб фаолият юритишни ўрганади. **Ҳар қандай вазиятда мард одам, барибир, ҳалол бўлади, деган эътиқодда собит туради.**

Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларига «ягона дарча» таъминли орқали хизмат кўрсатиляпти, ягона портал орқали давлат хизматлари электрон шаклда тақдим этиляпти. Қонун ҳужжатларига, давлат ташкилотларининг иш фаолиятини очиклик, ошқораликни таъминлаш нуқтани назардан ўзгартиришлар киритилляпти ва бошқа кўплаб янгиланган жорий қилиняпти. Буларнинг барчаси коррупцияга балосини бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фуқаролар бундай ёндашувни жон-дили билан қўллаб-қувватламоқда.

Дунё кун сайин, соат сайин ривожланыпти. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг тезкор, янгидан янги уфқлари очилляпти, миллий иқтисодиётлар ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда юксалмоқда, тараққий этмоқда. Бугун ҳар қандай давлат бошқа давлатлар билан изчил ҳамкорлик қилмасдан, оқилона инвестиция ва ресурсларга таянмасдан, жаҳонга чиқмасдан, аини пайтда дунёга эшикларини кенг очмасдан, одамлар бемалол ишлайдиган ишончли маконга айланмасдан юқори натижаларга эришолмайди.

Эркин фаолият юритишга кенг йўл очиб берилган, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари қатъий ҳимоя қилинадиган мамлакатнинг остонасидан одам аримайди, бундай давлат дунёнинг турли нуқталаридан ишбилармонлар талпинадиган юртга айланади.

Сўнгги вақтларда жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларини янада жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент қарор ва фармонлари ана шу эзгу мақсадга қаратилганини англаш қийин эмас. Туризмин ривожлантириш, дунёнинг кўплаб давлатларидан юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар учун виза режимини бекор қилиш ёки суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ёхуд тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, турли бюрократик тўсиқ ва говларни йўқ қилиш ҳақидаги ҳамда бошқа бир қанча қарор ва фармонлар одамларнинг йўлини очишга, Ўзбекистонимизнинг жозибасини оширишга хизмат қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун бу борадаги ислохотлар янада изчил тус олишига шароит яратмоқда, халқимизда катта умид уйғотмоқда.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутаяди. Уларнинг фаолиятини кучайтириш партия дастурий мақсадларига эришишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

## Электорат вакиллари билан очиқ мулоқотлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика, туман ва шаҳар кенгашларида 617 бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг зиммасига юкланган вазифалар кўлама кенг, албатта.

Маҳаллий партия кенгашларининг бошланғич ташкилотлар билан алоқасини кучайтириш, депутатлар кўмағида уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўйи бўғинлар фаолият таҳлиллий ўрганилиб, илғор тажрибаларни оммалаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Энг муҳими, маҳаллий партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар ишини тизимли ташкил этиш, етакчилар салоҳиятини ошириш борасида аниқ натижаларга эришляпти.

Хусусан, жорий йилдан «Халқ билан мулоқот қилишда бошланғич партия ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида тажриба алмашиш семинарларини ўтказиш йўлга қўйилди. Шу кунгача Нукус шаҳридаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи, Ташкент аграр университети Нукус филиалидаги бошланғич ташкилотларда, «Хаво йўллари», «Ақ жағис» овул фуқаролар йиғинларидаги худудий партия ташкилотларида ана шундай семинарлар ташкил этилди.

Мулоқотларда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгаши масъул ходимлари, Нукус шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, «Тарғиботчилар гуруҳи» аъзолари, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирлар давомида қатнашчилар бошланғич партия ташкилотларининг иши билан яқиндан танишди. Аъзолар мурожаатларини ҳал этиш юзасидан қилинган ишлар бўйича ахборотлар тингладилар, партия аъзоларига қабул қилиш жараёнлари ҳақида маълумотлар берилди. Одамлар билан эркин суҳбатлар уюштирилди.

— Бошланғич ташкилотимиз ўтган йили ташкил этилган эди. Бугунги кунда сафимизда 10 нафар аъзоимиз бор, — дейди **Қорақалпоқ давлат санъат музейидаги бошланғич ташкилот етакчиси Бибисара Юсупова.** — Қисқа вақт мобайнида Нукус шаҳар кенгашнинг ёрдами асосида ташкилотнинг иши самарали йўлга қўйилди. Электоратнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, партия дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Ҳафтанинг белгиланган кунинида шаҳар партия кенгаши ходимларини, депутатларни изласангиз, бошланғич ташкилотлардан топасиз. Партия фаоллари бевосита кўйи бўғинга бориб, етакчилар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатишади. Шу билан бир қаторда, уларнинг малакасини оширишга қаратилган турли тадбирлар ўтказишади.

— Бошланғич партия ташкилотига фақатгина аъзоларни биллаштирувчи, аъзолик бадалларини тўловчи, тадбирларни ташкил этувчи тузилма деб қарамасдан, балки унга партиянинг гоёларини, мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқарадиган асосий бўғин сифатида муносабатда бўлишимиз зарур, — дейди **«Хаво йўллари» овул фуқаролар йиғинидаги худудий партия ташкилоти етакчиси Алтингул Сапарниёзова.** — Бошланғич ташкилотимизда 26 нафар аъзоимиз бор. Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Абдан Ансатбаева билан бирга мурожаатларини ҳал этиб келяпмиз. Яқинда олий ўқув юртида ўқиётган талабага таълим кредитини олиб беришга ёрдам кўрсатдик.

Албатта, қаерда партия фаоллари сидқидилдан, жонқурлик билан ҳаракат қилса, муваффақиятлар мустаҳкамланади. Электорат ишончи оқланади. Шу маънода, бошланғич ташкилотлар электорат манфаатларига хизмат қиладиган тақлифлар билан чиқиши, маҳаллий партия кенгашлари, депутатлар ушбу тақлифларни рўёбга чиқариш чораларини кўриши зарур бўлади. Бунинг учун кўйи бўғин етакчиси, аъзолари изланиш ва интилишдан тўхтамаслиги керак.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,  
Мнажистон ҚУТЛИМУРАТОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Коррупция балосининг нақадар муҳимлигини тушуниш, мустақил идрок этиш, энг муҳими, унга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.



# ТЕРМИЗЛИК БУЮК МУҲАДДИС

Бугун ислом оламида маълуми машхур бўлган буюк аждодларимиздан бири Муҳаммад Абу Исо ат-Термизийдир. Алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-Суллабий аз-Зарийр ал-Бугий ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий 209 (мелодий 824) йили Термиз яқинидаги Буг (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани ҳудудида жойлашган) қишлоғида таваллуд топган.

Ат-Термизийнинг ота-онаси ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган, фақат тарихчилар унинг «ботом асли марвлик эди, у киши Лайс ибн Сайёр замонида яшаган, сўнг у ердан Термизга кўчиб келганлар» деган фикрини келтириш билан чегараланадилар.

Ат-Термизий ёшлигидан ғоятда тиришқок, идрокли ва закий бўлиб, бу фазилатлари билан ўз тенгдошларидан ажралиб турган. У ёшлигидан Термиз, Самарқанд, Марв ва Урта Осиёнинг бошқа шаҳарларида истиқомат қилган машхур уламолар ва муҳаддислар асарларини кўп билан ўргана бошлаган, кейинчалик қўшни Балх ва Хайратон шаҳарларидаги илм ахллари билан алоқалар ўрнатган. Илмга ташна ат-Термизий 850 йилдан бошлаб узок юртларга, сафар қилади. Жумладан у Ҳижозда – Макка ва Мадина, Ироқ, Хуросон ва бошқа қатор юртларда кўплаб муҳаддислар билан мулоқотда бўлади, қизгин илмий мунозара ва баҳсларда широк эътибор эди. Булар ат-Термизийнинг ўз даврининг йирик олими даражасига етишида асосий ўрин тутди.

Алломонинг илм ўрганишида ва уни такомиллаштиришида ўз даврининг машхур муҳаддислари – имом ал-Бухорий, имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъийд, Исҳоқ ибн Мусо, Махмуд ибн Гийлон, Саид ибн Абдурахмон, Муҳаммад ибн Башшор, Али ибн Ҳажар, Аҳмад ибн Мунийб, Муҳаммад ибн ал-Мусанно, Суфён ибн Ваъийб ва қатор таниқли олимлардан олган сабоқлари муҳим аҳамият касб этган.

Имом ат-Термизий ўз даврининг етук муҳаддис сифатида кўпгина ёшларга устозлик қилган. Унинг шогирдларидан Махмуд ибн ал-Фазл, Муҳаммад ибн Махмуд Анбар, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳаммод ибн Шокир, Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шошӣ, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафӣ, Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Махбуб ал-Махбубий каби етук олимларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизийнинг устозлари ва шогирдлари орасида турли мамлакатларнинг вақиллари борлиги кўриниб турибди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, узок ўтмишда ҳам илмфан тараққиётида турли ўлкаларнинг вақиллари ақдл бўлиб фаолият кўрсатиб, самарали ҳамкорлик қилганликлари бугунги давримиз учун ҳам ибратли бир ҳолдир.

Ўз ижодий фаолияти даврида ат-Термизий ўндан ортиқ асарлар яратди. Унинг илмий меросида, шубҳасиз, «Ал-Жомеъ» асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асар «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал-Жомеъ ал-кабийр» («Катта тўплам»), «Саҳийҳ ат-Термизий», «Сунан ат-Термизий» («Термизий сунатлари») номлари билан ҳам юритилади. Муаллифнинг йирик асарларидан яна бири «Аш-Шамойл ан-набавий» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»)дир. Бу асар «Аш-Шамойл Муҳаммадий», «Аш-Шамойл фи шамойл ан-Набий саллоллоху алайҳи васаллам» номлари билан ҳам аталади. Ушбу асарнинг узок йиллар Саудия Арабистонида истиқомат қилган ватандошимиз Саййид Махмуд Тарозий томонидан баҳарилган ўзбекча таржимаси Тошкентда ҳам нашр

қилинган. Бундан ташқари, «Китоб ал-илал» («Ал-илал ас-сағийр ва ал-илал ал-кабийр»), «Китоб ат-таърих», «Китоб уз-зуҳд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ал-асмо ва-л-куна» («Ровийларнинг исм ва лақаблари ҳақида китоб»), «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ёки оғишлар ҳақида»), «Рисола ва-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Асмо ус-саҳоба» («Пайғамбар саҳобаларининг исмлари») сингари асарлар ҳам аллома қаламига мансубдир.


Ат-Термизийнинг яратган асарлари ичида, «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» («Ишончли тўплам») энг асосий ўрини эгаллайди. Тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалонийнинг ёзишича, ат-Термизий ушбу асарини 270 ҳижрий (884 мелодий) йилда, яъни қарийб олтимиш ёшларида, илму ирфонда катта таъриба ортириб, имомлик даражасига эришганидан кейин ёзиб тугатган. Ушбу асарнинг қўлёзмалари дунёнинг бир қанча шаҳарларида мавжуд бўлиб, жумладан Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида ҳам сақланмоқда. Муҳим манба сифатида «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» бир неча марта нашр ҳам қилинган.

Ат-Термизий яшаган ҳижрий учинчи аср (мелодий тўққизинчи) ҳадис илмининг ривожига олтин давр ҳисобланиб, дастлаб бу даврда яшаб ижод қилган имом ал-Бухорий, имом Муслим каби алломаларнинг сермаҳсул фаолияти катта аҳамият касб этди. Чунки мана шу пайтдан бошлаб Пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси шарифлари саралиниб, тоифаларга бўлина бошлади. Улар саҳийҳ (тўғри, ишончли), ҳасан (яқини, маъқул), заиф (бўш) каби гуруҳларга бўлиниб, чуқур тадқиқ қилинган ҳолда тартибга келтирилди. Ҳуш устозлари имом ал-Бухорий, имом Муслим асос солган бу хайрли ишни имом ат-Термизий чуқур масъулият ва катта идрок билан давом эттириб, ҳадисшуносликнинг илмий асосида ривожланишига улкан ҳисса қўшди, ба мусулмон дунёсидаги энг нуфузли муҳаддислардан бири даражасига кўтарилди. Абу Исо ат-Термизийнинг шох асари бўлиши «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ» ҳадис илмида катта аҳамиятга эга муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, муаллиф ўз асарини алоҳида-алоҳида бобларга бўлиб, имкони борича ҳар бир ҳадис ровийларини келтириб, ҳар бир ҳадисдан кейин унинг ишончли ёки ишончсизлик даражасини алоҳида аниқлаб кўрсатди.

Ўз асарига киритилган бир неча миң ҳадисни нафақат тўплаш, балки тафсир ва тадқиқ қилиш муаллифдан қанчалик машаққатли меҳнат, кучли сабр-тоқат талаб этганини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки, ат-Термизийнинг китобида бу хилдаги ҳадисларнинг ғоят даражада кўплиги бу беназир асар катта меҳнат ва машаққатли изланишлар эвазига вуҷудга келганига яна бир ёрқин далилдир.

Машхур олимга замондош бўлган ва ўндан кейин яшаб ўтган таниқли муҳаддислар ҳам ат-Термизийнинг ҳадис илми ривожига жуда катта



хизматларини юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан бири – Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисий «Ат-Термизий ҳадис илмида барча иқтидо қиладиган буюк имомлардан биридир», деб ёзади, Тақийуддин Ибн Таймия «Абу Исо ат-Термизий биринчи бўлиб ҳадисни саҳийҳ, ҳасан, заифга тақсим қилган олимдир», деб гувоҳлик беради. Хофиз ибн Ражаб ўзининг «Шарҳу илалӣ ал-Жомеъ» китобида «Билгилки, имом ат-Термизий ўз китобларида ҳадисни саҳийҳ, ҳасан ва ғарибга бўлганлар», деб алломанинг ҳадис илмидаги хизматларини алоҳида таъкидлайди. Ат-Термизий асарининг барчага фойдаси ҳақида ибн-ал-Хофиз Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Муҳаддидий (507 ҳижрий 1113 мелодий йилда вафот этган). «Мен учун «Ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» таснифи имом ал-Бухорий ва имом Муслим асарларидан кўра ҳам фойдалироқдир. Чунки ал-Бухорий ва Муслимнинг китобидан фақат ўқимишли олимларгина фойдаланади. Абу Исо ат-Термизийнинг асаридан эса ҳар бир кимса бемалол фойдаланади», деб ёзган эди.

Абу Исо ат-Термизийнинг бошқа бир йирик асари «Аш-Шамойл ан-набавий» – «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари», деб аталади. Бу асар баъзи манбаларда «Аш-Шамойл фи Шамойл ан-набий саллоллоху алайҳи васаллам», «Аш-Шамойл ал-Муҳаммадий» номлари билан ҳам келтирилган. Асар Пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у зотнинг суварат ва сийратлари, аjoyиб фазилат ва одатларига оид тўрт юзу саккиз ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, Пайғамбар алайҳиссаломнинг юксак фазилатлари, мукамал ахлоқлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар, муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин ат-Термизий асарининг бошқалардан афзаллиги ва фарқи шундаки, у имкони борича Пайғамбар алайҳиссалом фазилатларига доир барча ҳадисларни мунтазам равишда тўлаб, мантиқан изчил бир ҳолатда тартибга келтирган ва ўзига хос мустақил, алоҳида китоб шаклида тасниф қилган. «Аш-Шамойл ан-набавий» азалдан исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини

ўзига жалб қилиб келади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, асарнинг тили раво бўлиб, услуби ғоятда соддалиги билан ҳам кўпчилик асарлардан ажралиб туради. Муҳим тарихий манба сифатида «Аш-Шамойл ан-набавий» форс ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. 1248 ҳижрий йили Ҳисомиддин ан-Нақшбандия томонидан туркий тилга қилинган таржимаси араб тилини билмайдиган туркий халқлар учун ғоятда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ат-Термизийнинг ушбу асарига шарҳ ёзган шайх Иброҳим ал-Божурий: «Имом ат-Термизийнинг «Аш-Шамойл ан-набавий» китоблари ўз бобида яққолашга асардир. Тартиби ва ўз ичига олган мавзулари жиҳатидан ягона бўлиб, нодир китоблар жумласидан ҳисобланур. Унинг овозаси Марғиба Машриққа бориб етди», деб таъкидлайди. Машхур олим Али Ибн Султон ал-Ҳаравий ал-Қорий ўзининг «Жамъ ул-васоил фи шарҳ аш-Шамойл» номли шарҳида ушбу асар хусусида шундай ёзади: «Расулуллох саллоллоху алайҳи васалламининг фазилатлари, юксак ахлоқлари ҳақида тасниф этилган мусаннафотларнинг энг чиройли ва яқиниси бу – имом ат-Термизийнинг Пайғамбар сийратлари ҳақидаги мукамал ва мустақил китобларидир. Бу китобни мутолаа қилувчи, жаноби Пайғамбарни кўргандай ва ул зотнинг ҳар бобидаги маҳосини шарифлардан баҳраманд бўлганга ўхшайди».

«Аш-Шамойл ан-набавий»нинг XVI асрга оид аjoyиб қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида ҳамда Абу Райҳон Беруний номи Шарқ қўлёзмалари марказида ҳам сақланмоқда.

Имом ат-Термизийнинг бизгача етиб келган «Ал-илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ёки нуқсонлик олимларнинг фикрича, бу асар бизгача етиб келмаган. Гарчанд аксар тадқиқотчилар ҳам шундай фикрда бўлсалар-да, имом ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир махсус рисола ёзган олим Нуриддин Атар (ушбу рисоланинг Байрутда 1988

йилда чоп этилган иккинчи нашрида) Туркиянинг қимматли қўлёзмаларга бой кутубхоналаридан бирида алломанинг «Ал-илал ал-кабийр» асарининг ягона қўлёзмасини кўрган ва ўндан фотонусха олиб, ўз тадқиқотининг ушбу қайта нашрида фойдалангани ҳақида ёзади. Унинг ёзишича, ат-Термизий «Ал-илал ал-кабийр»ни таълиф этган пайтда уни бобларга бўлмаган ҳолда ёзган. Аммо кейинчалик бу аjoyиб китоб олим Абу ал-Валид ал-Қозий томонидан тартибга келтирилиб, бобларга ажратилган ва китоб охиридаги мустақил бир боб ҳадислар рижжал (ровий)лари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўз ичига олган.

«Ал-илал»нинг иккинчиси «Ал-илал ас-сағийр» деб аталиб, у муаллифнинг бош асари «Ал-Жомеъ ас-саҳийҳ»га бевосита алоқадор бўлганлиги сабабли хотима тарихисида ушбу асарнинг охирида келтирилган. Умуман олганда, арабча «илал» сўзи «иллат»нинг кўплиги бўлиб, ўзбекча касал, бетоб, ҳаста, ноқис, иллатли, оғиш каби луғавий маъноларни англатади.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ҳадис илмида «илал» масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур йўналиш ҳадисларда ҳар хил сабабларга кўра ровийлар томонидан содир этилган заифлик, ноаниқлик, ғалат, хато, саҳву янглишларни тадқиқ қилишдек ўта масъулиятли вазифа билан шуғулланади. Кўпгина муҳаддисларнинг ҳадисларга бу жиҳатдан ҳам катта эътибор бериб, асарлар яратгани, бу илмнинг ислом таълимотида ғоятда фойдали ва муҳим аҳамият касб этганидан далolat беради. Иллатли ҳадислар хусусида имом ал-Бухорийнинг устози Али ибн Абдуллох ал-Мадийний, имом Аҳмад ибн Ханбал, имом ал-Бухорий, имом Муслим, имом ат-Термизий, Абу Хотам ва бошқалар асарлар ёзганлар. Мана шу буюк муҳаддислар орасида ҳам имом ат-Термизийнинг «илал» тўғрисидаги асарлари ҳадисларнинг тўғрилиги ва аниқлигини текширишда муҳим аҳамият касб этди.

Убайдулла УВАТОВ,  
тарих фанлари доктори,  
профессор.

## Ҳуқуқий маслаҳат

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассаса ва ташкилотларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Маълумки, ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаати туради.

## МУРОЖААТГА ЎЗ ВАҚТИДА ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛИШИ ШАРТ

Фуқароларимиз ҳаёти давомида зарурат юзасидан турли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ёхуд мансабдор шахсларга мурожаат этади. Мурожаатни кўриб чиқиш давомида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини чеклаш, уларни лозим даражада таъминламаслик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми белгилаб қўйилган.

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан амалга оширилган ва пировард натижада фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига, фуқаро зиммасига бирорта ғайриқонуний мажбурият юклатилишига ёки унинг қонуний равишда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлари (қарорлари) судга шикоят қилинишига асос бўлади.

Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини буздирилган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибиде юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсунув тартибидеги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни қир ой мuddат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берган кундан эътиборан бир ой ичида жавоб олма, судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилган фуқаро ёки унинг вақили, шунингдек, фуқаронинг илтимосига биноан тегишли равишда ваколат берилган жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг вақили томонидан берилиши мумкин.

Фуқароларнинг аризалари, шикоятлари ҳамда мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш шарт ва зарурдир. Буни давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари асло ёдидан чиқармаслиги лозим.

Дилдора РАШИДОВА,  
Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьяси.

## Реклама

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МҲЖ АХБОРОТИ

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МҲЖ томонидан 2016 йил 15 декабрь кунини ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидеги завод рақамлари №СЛ05093 ва №СЛ05095 бўлган 2 та «ПП-427» русумли йўловчи лифтлари ҳар бири – 7 750 000 сўмдан сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

## Янги йўналиш «Андижон — Москва — Андижон»

Янги йил арафасида Андижон темир йўл вокзалига «Андижон — Москва — Андижон» йўловчи поезде келди. Шу тарзда Россия Федерацияси ва Фарғона водийси темир йўл орқали бир-бири билан боғланди. Бу янгилик Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги кенг қўламли, ўзаро манфаатли алоқалар тобора ривожланиб бораётганига яна бир мисол бўлади.

Маълумотларда келтирилишича, Москва шаҳридаги Қозон темир йўл вокзалидан Андижонгача бўлган 5000 километрли масофани поезд уч кундан кўпроқ вақтда, аниқроғи, 75 соатда босиб ўтади.

Ҳафтанинг жума куни 11:05 да (маҳаллий вақт билан) Москвага йўл олади. Чипталарни 45 кун олдин харид қилиш мумкин.

Йўловчилар 36 килограммгача юк олиши, ўндан ортиқига қўшимча ҳақ тўлаши белгиланган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Огоҳ бўлайлик БОШ ВАЗИФА — ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Статистик маълумотларга кўра, республикаимиз ҳудудида ҳар йили 13 миңдан ортиқ ёнғин содир бўлиб, 500 нафардан ортиқ инсон турли даражадаги тан жароҳати олмақда, айримлари ногирон бўлиб қолмоқда. Ёнғинлар туфайли етказилган моддий зарар миқдори эса бир неча миллиард сўмдан ошади.

Ёнғинларнинг олдини олиш бўйича жойларда ўтқазилган учрашувларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғинларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, лоқайдлик ва эътиборсизлик сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин пайтида одамлар ўзларини қандай тутиши кераклиги, биринчи навбатда, кўриладиган чоралар туғрисида тавсиялар бериляпти. Фуқароларга носоз, қўлбола электр ускуна-

лардан фойдаланмаслик, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини нафақат ишда, балки уйда ҳам унутмасликлари таъкидлаб келинмоқда.

Ёнғинларни келтириб чиқарувчи сабаблар, унинг даҳшатли асоратлари ва етказган талафотлари ҳақида хикоя қилувчи видеороликлар ҳам намойиш қилиняпти. Бундан ташқари, ёнғин ўчирувчи мосламалар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилляпти. Биноларда ёнғиндан автоматик равишда хабар

берувчи ускуналар, автоматик равишда ёнғин ўчириш қурилмалари, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни ўчиришга мўлжалланган ички ва ташқи сув тармоқлари ҳамда захира чиқиш йўлақлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилувчи плакат ва эслатмалар тарқатилляпти.

Республика миқёсида содир бўлаётган ёнғинларнинг таҳлилга эътибор берадиган бўлса, ёнғинларнинг аксарият қисми электр симларнинг қисқа туташуви натижасида юз бермоқда. Электр кабелидаги қисқа туташувлар электр энергия ва мосламалардан (электр



иситиш ускуналари, электр чойнак, турли электр дастгоҳлар ва ҳ.к.) фойдаланиш қоидаларини бузиш, электр кабелиларни хоналарнинг тоифаларини ҳисобга олмасдан танлаш ҳамда сифатсиз қурилиш материалларидан фойдаланиши оқибатида юзага келмоқда.

Ҳилола ТЕМИРОВА,  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ муҳандиси, подполковник.

## Ўзликни англаш — тарихни билишдан бошланади.



# Qishloq Qurilish Bank



Yurtdoшларимizni yangi — 2017 йил билан муборакбод этамиз.

Барчага мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик тилаб, қўйидаги омонат турларини таклиф этамиз:

«Қомус» — мазкур омонат турига маблағлар 1 ой муддатга қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фойзлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

«Қурилишга бошланғич бадал» — мазкур омонат турига маблағлар 1 йил муддатга қабул қилинади.

«Мадад» — омонатга маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.

Ҳисобланган фойзлар ҳар ойда омонатчининг ипотека кредити ҳамда фойз тўловларини сўндиришга йўналтирилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:  
(+99871) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар — диниен изланган



«Ўзбекистон темир йўллари»

акциядорлик жамияти тизимидаги

«14-SON RELS PAYVANDLASH ROYEZDI  
UNITAR KORXONASI» ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни  
янги — 2017 йил билан  
табриклайди!




## «МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ХАЛҚИМИЗНИ

2017 ЙИЛ

билан муборакбод этади.



Маҳсулотлар сертификатланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138  
17065  
nuxxada  
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 21:40  
Topshirilgan vaqti — 23:55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Obiddin MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5 6